

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридағы  
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Қўлёзма ҳуқуқида  
ББК: 65.271(5У) +65.261.4(5У)

Баймуратов Турсунбай Махкамбаевич

**Ўзбекистонда сугурта фаолияти ва уни  
солиқقا тортиш механизмини  
такомиллаштириш**

08.00.07 - “Молия, пул муюмаласи ва кредит” ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди  
илемий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент - 2004

3762 (003)

Б

Диссертация Тошкент Молия институтининг  
«Солиқта тортиш ва сұғурта иши» кафедрасыда  
бажарилған

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Абдуллаев Ѓ.А.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Олимжонов О.О.**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Шеннаев Х.М.**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ  
қўумитасининг Солиқ академияси

Диссертация 2004 йил «1» соат «14»да Ўзбекистон  
Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши  
академияси қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш  
учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.10.02 рақамли Бирлашган  
иҳтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йилнинг «24» да тарқатида.

Бирлашган иҳтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди,  
доцент

Абулқосимов Ҳ.П.

## I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАБСИ ФИ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ўзбекистоннинг миллый маңбаатларига мос келадиган қатор вазифаларни музаббаслатиш ахамият оширишда иқтисодий фаолиятнинг ўзаро уйғун дастаклари жамкум - бозор институтларини ривожлантириш ва тақомиллаштиришга устуворлик бериш муҳим омилардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва ишончли тараққиётини таъминлашда сұғурта фаолиятини ривожлантириш алоҳида ахамият қасб этмоқда. “Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири - тадбиркорлар ва аҳолини өхтимоли бўлган турли заарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган сұғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда”<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда бу соҳада 20 дан ортиқ компанияя иш юритмоқда ҳамда улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга 150 дан кўпроқ турдаги сұғурта хизматлари кўрсатилмоқда<sup>2</sup>.

Сұғурта маҳсулот ишлаб чиқарышнинг раҳобатбардошлигини ошириш, капитал, илчи кути, маҳсулот экспортни ҳамда импорти, ишлаб чиқарыш интеграцияси кабилар билан узвий боғлиқликда амала ошириладиган фаолиятларни рисклардан ҳимоялашга, шунингдек, у ҳар бир субъектнинг ўз фаолиятини кенгайтиришига, инвестицияларни ишончли жойлаштиришига, кредит олиши имкониятларини оширишига хизмат қиласди.

Ўзбекистонда сұғурта соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини йўлга кўйиш унинг қатор янги вазифа ва муаммоларини ҳал этиш заруратини келтириб чиқарди.

Шу нуқтада назардан мамлакатимизда бозор инфратузилмаси шаклланиб бораётган ҳозирги шароитда:

- **биринчидан**, юридик ва жисмоний шахсларнинг рисклардан ҳимоясини ҳалқаро андозалар даражасида йўлга қўйиш, сұгурталанувчилар томонидан мазкур хизматни тўлалигича ўзлаштириш учун унинг ҳукукий-иқтисодий асосларини мукаммаллаштириш заруратининг мавжудлиги;
- **иккинчидан**, сұгуртанинг тадбиркорлик фаолияти сифатида, ташкилий-услубий шаклланиши ва тақомиллашуви жараёнининг давом этаётганилиги;
- **учинчидан**, сұғурта муносабатларини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг самарали шаклларда амала оширилишини йўлга қўйиш талаб этилаётганилиги;
- **тўртингчидан**, сұғурта фаолиятини солиқча тортишни тақомиллаштиришнинг зарурлиги;
- **бешинчидан**, бу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва роли иқтисодчи-олимлар томонидан илмий-назарий жиҳатдан чукур

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг асосий йўналашлалига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза// “Халқ сўзи” газетаси, 2003 йил, 18 февраль.

<sup>2</sup> Манба: <http://www.uzreport.com/rus>.

ўрганилмаганлиги бу йўналишда илмий-тадқиқот ишини олиб боришини долзарб қилиб қўйди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Суѓурта фаолияти муаммоларини ўрганиш борасида қатор етакчи хорижий иқтисодчи-олимлар, хусусан, А.Смит, Д.Рикардо, В.Парето, Дж.Стиглер, Е.Коньшин, С.Брю, К.Макконнелл, Д.Форесвети, Д.Бланд, А.Гвозденко, С.Ефимов, Л.Рейтман, А.Орланюк-Малицкая, Ю.Журавлёв, Р.Юлдашев, К.Турбина, Й.Циммерманн, Д.Хэмптон, В.Шахов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида қайд этиш лозим.

Мазкур масаланинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимлари М.Шарифхўжаев, Ҳ.Собиров, Ё.Абдулаев, О.Олимжонов, Т.Маликов, О.Номозов, Н.Ҳайдаров, М.Йўлдошев, Ш.Имомов, Э.Гадоев, С.Умаров, Қ.Яхёев, Ҳ.Шеннаев, М.Мирсодиков ва бошқаларнинг илмий асадлари, мақолалари, матбуотдаги чиқишиларида ўз аксини топган.

Бироқ, айни пайтакча ўзбек иқтисодий адабиётида суѓурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишга багишлиган яхлит илмий иш бажарилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Мамлакатимизда суѓурта фаолиятининг муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари, хусусан, уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсадидир.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертация ишини бажаришда ўйидағи вазифалар белгилаб олинди:

- суѓуртанинг ижтимоий-иқтисодий мөҳияти ҳамда илмий-назарий асосларини ўрганиш;
- назарий-амалий жиҳатдан янги бўлган тушунча ва категорияларнинг мазмун-мөҳиятини талқин этиш;
- иқтисодиёт субъектларининг рисклардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, улар фаолиятини суѓурталашнинг самарали йўллари, асосий тамоиллари ва турларини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда суѓурта фаолияти ривожланишини етакчи суѓурта ташкилотлари мисолида ўрганиш, бу борада эришилган ютуқларни таҳлил этиш, шунингдек, мазкур соҳа олдида турган вазифаларнинг ечимларини ишлаб чиқиш;
- мамлакатимизда суѓурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизmlарини таҳлил қилиш;
- мамлакатимизда ягона мақсадга бўйсундирилган яхлит тизим сифатида суѓурта фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;
- муњобил солиққа тортиш механизми сифатида суѓурта бадалларидан солиқ турининг оптималь шаклини танлаш ва уни жорий этиш юзасидан тавсиялар тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ўзбекистонда суѓурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар илмий изланишнинг предмети

хисобланади.

**Тадқиқотнинг обьекти.** Ўзбекистон Республикаси суурита тизимидағи («Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суурита компанияси (ЭИМСК), «Ўзагросуғурта» ва «Қафолат» Давлат акционерлик суурита компаниялари (ДАСК), «Мадад» суурита агентлиги (СА) каби) етакчи суурита ташкилотлари тадқиқотнинг обьектидир.

**Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари.** Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент И.Каримовнинг молия, солиқ ва суурита фаолиятга бағишлилган асарлари тадқиқотнинг назарий-услубий асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлiği, мамлакатимизда фаолият курсатадиган суурита ташкилотларининг маълумотлари ва ҳужжатлари, иқтисодчи-олимларнинг монографик ишланимлари, шунингдек, илмий изланишларининг натижалари ҳамда матбуотда эълон ўзилсан далиллар, муалифнинг ўз ҳисоб-китоблари мазкур илмий тадқиқот ишининг ахборот базаси ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимили-таркибий, функционал, қиёсий, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез каби усуллардан фойдаланилди. Улар ўз навбатида, мамлакатимизда суурита соҳасини ривожлантириш муаммоларини ўзаро боғлиқликда атрофлича ўрганиш, унинг мақсадли фаолият сифатида талабга мос бўлишини таъминлаш ишига хизмат қилиди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда:**

- Ўзбекистон иқтисодиётида туттан ўрнига кўра сууртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти асосланди;
- рисклар трансфери ва трансформацияси жараёни суурита фаолиятини самарали ташкил этиш босқичлари сифатида талқин этилди;
- суурита фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми ўрганиб чиқиди ва уни такомиллаштириш омиллари кўрсатилди;
- Ўзбекистонда суурита фаолиятининг ҳозирги ҳолати ўзаро алоқадор бўлган тамоилилар асосида ўрганиди ҳамда унинг стратегик ривожланиш йўллари ишлаб чиқиди;
- мамлакатимизда суурита фаолияти ва уни солиқча тортиш механизмининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда такомиллаштириш йўллари, хусусан, мазкур фаолиятдан ундириладиган даромад(фойда) солиги ўрнига суурита бадалларидан солиқ турини жорий этиш илмий асосланди;
- мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, қиёсий ёндашув асосида ҳалқаро суурита фаолиятининг иқтисодий-ташкилий жиҳатлари очиб берилди.

Диссертация ишида илмий аҳамиятга молик бўлган бошда таклиф ва мулоҳазалар ҳам мавжудадир.

#### **Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.**

Диссертацияда суурита фаолиятини ривожлантириш ва уни солиқча тортиш механизмини такомиллаштириш йўллари баён этилган ҳамда унда илгари сурилган тавсия-таклифлар куйидаги йўналишларда, яъни:

- суурита фаолиятини рисклар трансфери ва трансформацияси ҳамда

кўрилган заарларни юоплаш воситаси сифатида самарали ташкил этилишини таъминланда;

- сууругта фаолияти субъектларининг кенг қамровли ўзаро муносабатларини тартибга солишида;

- сууругта ташкилотларидан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чижишда;

- сууругта фаолиятини солиқка тортиш борасидаги сиёсатни янада такомиллаштиришда;

- давлат таълим стандартларига мувофиқ “Солиқлар ва солиқка тортиш”, “Сууругта иши” каби йўналишлар ҳамда мутахассисликларга даҳдор туркум фанлар, шунингдек, маҳсус курслардан машғулотлар ўтказишда ўз татбиқини топиши мумкин.

### **Тадқиқот натижаларини синов ва муҳокамадан ўтказилганилиги.**

Тадқиқот мавзуси бўйича билдирилган илмий-амалий тавсиялар тегишли ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидати “Бюджет-солиқ сиёсати” маркази (маълумотнома № 25/15-05, 2002 йил 11 ноябрь), шунингдек, “Ўзбекинвест” ЭИМСК томонидан (маълумотнома № 01/607, 2002 йил 12 сентябрь) ўз фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда стратегик ривожланиши йўналишларини ишлаб чижиш учун қабул қилинган. Тошкент Молия институтида ҳам бу ишланмалар бакалавр ва магистрларни тайёрлаш борасида кенг ўлланилмоқда.

Диссертация натижалари Тошкент Давлат Ихтисодиёт университетида ташкил этилган илмий семинарда, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Банк-молия тизимини ривожлантириш тадқиқотлари» маркази қошидаги муаммовий Кенгаш семинарида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги «Ихтисодиёт» йўналиши бўйича муаммовий илмий семинарда муҳокамадан ўтказилиб, ҳимояга тавсия этилган.

**Нашр қилинган илмий ишлар.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 15 дан ортиқ мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 4,6 босма тобоқни ташкил этади.

**Илмий ишнинг таркибий тузилиши.** Диссертация иши кириш, учта боб, хуроса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация жами 144 саҳифадан иборат бўлиб, 11 чизма, 11 диаграмма, 12 жадвал ва 15 илова материаларини ўз ичига олади.

## **II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган ёатор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда бозор институтларини, жумладан, сууругта соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштиришга устуворлик берилг музим омил ҳисобланади.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда сууругта бир томондан, айнан рисқдан ҳимоя воситаси ҳисобланса, иккинчи томондан, у

тадбиркорлик фаолияти ҳамдир. Шу нұқтаи назардан, бізниңті фикримизча, сұғурта фаолияти, үнинг функционал мөхияти билан үзкій бөлдік бұлған хизматларни ташкил этиш ҳамда уларни күрсатишига қарғылған (үнинг мұлкий шакди, бошқарув тизими ва бошқа иқтисодий омиллар билан ұзар болып қалған) сайдың-жаралаттар мажмусаидир.

Шуны алоқида таъқидаш лозимки, сұғурта ташкилоти томонидан сұғурталаш, ұзаро сұғурталаш ва қайта сұғурталаш операцияларини амалға оширипша ҳар қандай сұғурта тури бүйічә тарифлар ҳисоб-китоби(актуар ҳисоб-китоблар)да анық сұғурта объективтінг құймати ҳисоблаңбы чиқлади. Үмуман актуар ҳисоб-китоблар ёрдамыда сұғурта хизматини ҳамда сұғуртачи томонидан сұғурталанувынша күрсатыладын хизматтінг қанча туриши аниқланады. Ұзбекистонда фаолият күрсатаёттеган сұғурта ташкилотлари томонидан нетто-ставкани ҳисоблаш амалиётта бирмұнча мұраккаброқдир.

Сұгуртанның назарий-услубий асосларидан келиб чиқыб, шуны қайд этиш лозимки, сұғуртачининг асосий мақсади айнаң захира маблағаридан самаралы фойдаланып орқали даромад олишдан иборатдир.

Давлаттің сұғурта соқасындағы фаолиятиға тұхталаған бұлсак, қуйидагиларни ажратып күрсатыш мүмкін:

- мамлакатда сұғурта фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқыш ва уни амалға ошириш;
- сұғурта ҳимоясина таъминлашда субъектлар манбаатини үзіда акс эттирувчи механизмни яратыш;
- Ұзбекистон Республикасы сұғуртачилар ассоциациясининг ташкил этилишини құллаб-куватлаш;
- Молия вазирилігі қосыда ташкил этилған махсус ваколатты давлат органдары билан сұғуртачи субъектларнинг ұзаро манбаатдорлигига асосланған ҳамкорлик, маслағатты масалаларни ҳал этүвчи механизмни шакллантириш;
- сұғурта фаолиятиға оид қонуулар мажмусасына ұзартырылар киритиш ва такомиллалытириб бориш;
- сұғурта ташкилотарининг барқарор фаолият күрсатышларини таъминлаштырып, сифатида солиқ имтиёздарынан шу каби бошқа рағбатлантирувларнинг самарасы юқори бўлишига эришиш;
- сұғурта фаолиятининг илмий-тәдқиқот базасын (масалан, сұғурта муаммолари билан шуғуланувчи илмий-текшириш институтини) яратыш;
- мамлакаттамиз тараққиётининг «Ўзбек модели» га асосланған үзига хос томониарини ҳисобта олган ҳолда хорижий сұғурта ташкилоттарининг фаолият юритышлари учун амалда бўлған механизмни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш ва шу кабилар.

Кейинги йилларда давлат томонидан сұғурта фаолиятининг қўллаб-қувватланиши мамлакаттамизда үзининг дастлабки ижобий самарасини бера бошлади.

Сұғурта фаолиятида ҳисобот даври учун заарларни тақсимлаш шакли турли усулдардан фойдаланиб аниқланады ва амалға оширилади. Бу рисклар трансфери ва трансформацияси жараёни бўлиб, у келгуси илмий тадқиқотлар учун ҳам асосдир.

Эркин бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида сүгурта фаолияти ривожи учун зарурий обьектив шарт-шароит юзага келди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар субъектларнинг сүгурта фаолиятига бўлган муносабатларини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, сүгурта бадаллари ҳажми кўрсаткичларида ихтиёрий мол-мулк сүгуртаси ҳамда сүгуртанинг бошقا турлари бўйича талаб ва таклиф ўргасида тафовут мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан, сўнгги йилларда турли мулкчиликка асосланган иқтисодиётда, бир томондан, жисмоний шахслар мол-мулкларини ихтиёрий сүгурталаш кўламининг ортиши; иккинчи томондан, юридик шахслар учун сүгурта ташкилотлари сүгурта "маҳсулот"ларининг янги турларини таклиф этишлари ҳисобига ихтиёрий мол-мулк сүгуртасининг имкониятлари намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда 1999-2003 йилларда сүгурта бадаллари тушуми улушининг ўсиши бўйича унинг ривожланиш кўрсаткичларида (1-жадвал) ихтиёрий мол-мулк сүгуртаси бўйича бадаллар суммаси ҳажмининг барқарор ортганилиги кузатиди. Келтирилган йиллар бўйича бу кўрсаткичининг ўртacha 65,6 фоизидан кўпроғи ихтиёрий мол-мулк сүгуртаси ҳисобига тўғри келганигини, яъни сүгурта портфели асосан унинг ҳисобига шаклантирилганлигини таъкидаш лозим.

**1-жадвал. Сүгурга бадаллари тушуми улушининг ўсиши бўйича  
Ўзбекистонда сүгурга фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)  
1999-2004 йй.**

Сүгуртанинг тармоқлари	И И Л Л А Р					
	1999	2000	2001	2002	2003	2004 (процент)
<b>Ихтиёрий сүгурта бўйича жами</b>	<b>63,9</b>	<b>71,4</b>	<b>78,2</b>	<b>84,1</b>	<b>87,8</b>	<b>89,4</b>
- ихтиёрий шахсий сүгурта	9,3	8,8	6,9	7,4	5,6	5,0
- ихтиёрий мол-мулк сүгуртаси	51,8	60,1	66,3	72,3	77,7	79,8
- ихтиёрий жавобгарлик сүгуртаси	2,8	2,5	5,0	4,4	4,5	4,6
<b>Мажбурий сүгурта</b>	<b>36,1</b>	<b>28,6</b>	<b>21,8</b>	<b>15,9</b>	<b>12,2</b>	<b>10,6</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган (2004 йил кўрсаткичлари экстрополяция маълумотлариидир).

Мамлакатимизда кейинги йилларда ихтиёрий жавобгарлик сүгуртаси ҳам ривожланиб бормоқда. Мазкур сүгуртанинг келтирилган йиллар давомида умумий бадаллар тушумидаги улушининг ортиб бориши унинг катта имкониятларини намоён этмоқда.

Ихтиёрий шахсий сүгурта бўйича шуни қайд этиш мумкинки, унинг мазкур йилларда, 1999 йилга нисбатан мос равишда улуши камайганлиги кузатиди. Шунингдек, келтирилган йиллар давомида мажбурий сүгурта бўйича бадал тушумлари суммаси ҳам камайиб бораётганлиги кўзга ташланади. Бу мамлакатимизда бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда сүгурта муносабатларининг эркинлашуви жараёнида устуворлик ихтиёрий сүгуртани ривожлантиришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Таҳалил шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган йилларда сүгурта ташкилотлари томонидан сүгурта бадалларини ундириш ҳажми барқарор ўсиш хусусиятига эгадир.

Суғуртанинг моҳиятидан келиб чиқиб, шуни замонда таъкидлаш лозимки, қоплама тўловлари суғурта ҳодисалари юз бўлинида амалга оширилади. Суғурта турлари бўйича қопламалар суғурта бадалларидан шакллантирилган фонда ҳисобидан тўланади.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган 1999-2003 йилларда умумий қоплама тўловлари ҳажмида (2-жадвал) мажбурий суғурта бўйича тўловлар ўртacha 30,9 фоиздан ортиқроқ даражада бўлган.

**2-жадвал Суғурта қопламаси тўловларидаги улуцилар ҳажми бўйича  
Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиши кўрсаткичлари (%)  
1999-2004 йил**

Суғуртанинг тармоқлари	И И Л Л А Р					
	1999	2000	2001	2002	2003	2004 (прогноз)
<b>Ихтиёрий суғурта бўйича жами</b>	<b>52,0</b>	<b>66,7</b>	<b>52,5</b>	<b>90,3</b>	<b>83,8</b>	<b>85,9</b>
- ихтиёрий шахсий суғурта	6,0	6,0	5,9	12,7	15,5	17,2
- ихтиёрий мол-мулк сугуртаси	40,7	58,4	42,2	71,0	61,6	61,5
- ихтиёрий жанобгарлик сугуртаси	5,3	2,3	4,4	6,6	6,7	7,2
<b>Мажбурий суғурта</b>	<b>48,0</b>	<b>33,3</b>	<b>47,5</b>	<b>9,7</b>	<b>16,2</b>	<b>14,1</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мавълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган (2004 йил кўрсаткичлари экстраполяция мавълумотларидан).

Ўзбекистонда эркин бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда ихтиёрий суғурта бўйича қоплама тўловларининг улуши ўртacha 69,1 фоизни ташкил этганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2000-2003 йилларда амалга оширилган жами қоплама тўловлари ҳажмида ихтиёрий мол-мулк сугуртаси ҳисобига ўртacha 54,8 фоиз улуш тўғри келганлиги тадқиқот давомида аниқланди.

Мамлакатимизда катта ҳажмдаги қоплама тўловлари амалга оширилиши ҳисобига ихтиёрий мол-мулк сугуртаси ўзининг салмоқли ўрнини сақлаб қолмоқда. Кейинги йилларда суғуртачиларнинг суғурта портфели асосан салбий оқибатларга олиб келмаганигини таъкидлаш ўринлидир.

Суғурта ташкилоти фаолиятининг молиявий натижаси ундирилган бадаллар ҳамда вақтингчалик бўш турган маблағларни инвестицияга йўналтиришдан олган даромадлар суммасига тенгdir. Бу кўрсаткич амалга оширилган қоплама суммаси ва суғурта захирасининг белтиланган даражадаги меъёрий ўсиши суммасига камайтирилади. Умуман суғурта фаолиятининг ялии "маҳсулот" олинган даромад ва тўланган суғурта қопламалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Милий даромадни қайта тақсимлаш механизmlаридан бири бўлган солиқлар орқали давлат бюджети даромадларини шакллантириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солиш механизми сифатида улардан самарали фойдаланиш, айниқса, солиқ тўловларини амалга оширишда томонлар манфаатларини мувофиқлаштириш каби масалалар мамлакатимизда юридик шахслар мақомига эга бўлган суғурта ташкилотлари фаолиятларининг ривожига таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади.


Суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган солиқлар хилма-хиддир.

Улар томонидан тұланадиган солиқтар тизимида юридик шахсларның даромады(фойдасы)га солинадиган солиқ үзига хос хусусиятларға эзға.

Суғурта ташкилотарни солиқша тортиш масаласыда солиқ базаси ва ставкасы мұхим ҳисобланади. Хусусан, суғурта ташкилотының солиқша тортиш базасини аниқлашда асосий даромад ва харажатлар ҳисоби үзига хослиги билан фарқ қылади. Суғурта бадаллари түшуми билан даромад(фойда) солиги сүммаси үсінші үргасыда катта фарқ юзага келади. Бундай тағовуттың ортиг бориши суғурта ташкилоти томонидан суғурта қоپламаси амалға оширилген ҳолаттарда, шунингдек, харажатлар таркиби үзгариши өкібатыда ҳам күзатылади.

Суғурта ташкилоти даромаддарини (чизмага қарант) асосий фаолиятдан ҳамда инвестиция ва бошқа фаолияттардан олинган даромадтарға гүруұлаш мақсадға муфовиқтір. Шунда суғурта ташкилоти томонидан күрсатылаёттан асосий фаолият нәтижасы(фойда ёки заар)ни аниқлаш имконияты ортади ҳамда унинг күлами аниқ намоён бўлади.

Чизма,



Солиқша тортиш базасини шакллантиришда суғуртачининг жами даромадлари ва уларнинг таркибини, назарий-амалий жиҳатдан даромаддилік мейёрлари үзгаришининг ҳам таъсирини ҳисобға олиш талаб этилади. Шу нүктәи назардан келиб чиңіб, суғурта ташкилотлари учун даромаддилік мейёрларының әнг паст ва әнг юқори даражасини белгилаб қўйиш мақсадға муфовиқтір.

Суғуртани амалға ошириш учун сарфланған жами маблағлар суғурта «маҳсулот»ттың таннархини ташкил этади. У амалдаги мөрөннегінде хужжатлар асосида тартибға солинади ва суғуртачининг харажатлары таркибини аниқлаш учун асос ҳисобланади.

Даромадлар ва харажатлар таркиби, уларни ҳисоблаш күп жиһатдан милий сұғурта ҳамда амалдаги солиқ қонунчилігі мөбөрларига бояныңдир. Үнгі, шунингдек, даромад(фойда) солигининг солиқ базасини аниқлаш үслеби үзілескелес тағыза тақсителесет.

Тақидаш лозимки, сұғурта фаолиятими солиқшы тортиш механизмимен тақомиллаштыриш, үннеге үзілескелес тағыза тақсителесет, хусусан:

- сұғурта фаолиятидан олинған натижани солиқшы тортиш базасини аниқлашада даромадлилік мөбөрларининг үзілескелес тағыза тақсителесет бўлган таъсирини ўрганиб боришни;

- сұғурта ташкилотининг жами даромад ва харажатлари таркибини аниқлаштыришни, уларни үрнірга қараб таснифлашни ҳамда солиқ базасини аниқлаш үслебияти, шунингдек, солиқ ставкаларининг уларга бўлган таъсирини таҳлил этишада комплекс ёндашувни талаб қиласди.

- Бу жараёнда сұғурта ташкилотлари даромади(фойдаси)ни солиқшы тортиш базасини аниқлашни тақлиф этилаётган үслебияти ва уни қўллаш амалдаги мөбөрий үзажатларга үзартышилар киритишни тақозо этади.

Мамлакатимизда сұғурта ташкилотлари даромади(фойдаси)ни солиқшы тортиш базасини аниқлаш үслебиятими тақомиллаштыриш давр талабидир. Шу нутқтаи назардан диссертация ишида муқобил солиқшы тортиш механизми, хусусан, ҳалқаро амалиётдаги тажриба атрофлича тадқиқ қилинди ҳамда уни мамлакатимизда жорий этишнинг асослари ишлаб чиқида.

Шуни тақидаш лозимки, сұғурта ташкилотларини солиқшы тортишнинг амалда бўлган тизими, биринчидан, даромадларнинг бюджетта барқарор тушумини таъминлай олмаётган бўлса, иккинчидан, сұғуртачиларнинг иқтисодий фаоликларини ошириш борасида кутилган самарани ҳам бера олмаяпти.

Солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетта тушумини таъминлаш, шунингдек, сұғурта ташкилотларининг солиқ тўловларини амалга оширишлари жараённада томонлар манфаатларини мувофиқлаштыриш зарурияти сұғурта фаолиятими солиқшы тортиш масаласини янада чуқурроқ ўрганишини тақозо этмоқда.

Сұғурта ташкилотларини даромад(фойда) солигига тортиш, уни турли йўллар билан минималлаштыриш натижасида ўзининг фискал вазифасини бажара олмаяпти. Бугунги кунда сұғурта ташкилотлари томонидан бюджетта тўланиши лозим бўлган даромад(фойда) солигининг ҳисобланган суммаси сұғурта бадалларининг ўсиш ҳақми ва суръатига мос келмаяпти. Бу ҳолат ўз навбатида, сұғурта фаолиятими солиқ механизми орқали бошқаришда янги ёндашувни талаб этади.


Реал пул оқимини назорат қилишининг мураккаблашуви даромад(фойда)ни солиқшы тортишдан яширишта йўл очмоқда, шунингдек, сұғурта ташкилотининг даромад(фойда) олиш имкониятларини тўлиқ ишга солинмай қолинишига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида амалдаги солиқшы тортиш тизимининг олдига қўйилган (солиқ юқини адолатли тақсимлаш,

бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш каби) вазифалар белгиланган даражада бажкарилиши қийинчилик билан кечмоқда.

Юқорида келтирилган ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар сұғурта ташкилотининг асосий фаолиятидан ундириладыган даромад(фойда) солигининг ўрнига сұғурта бадалларидан солиқи жорий этиш (диаграммама қаранг) мақсадға мувофиқ эканлигини күрсатмоқда.

Диаграмма.

**Ўзбекистонда ундирилиши таклиф этилаёттан сұғурта бадалларидан солиқиң даромад(фойда) солигига нисбати (1999-2004 йй.)**



Мәнба: Ўзбекистонда фаолият күрсатылған сұғурта ташкилотлари үсібеттегі асосида мұалліф томонидан тайёрланған (2004 йил күрсаткышының экстраполяция мазылумоттарынан).

Тадікүй этилған 1999-2003 йилларда сұғурта ташкилотлари томонидан жамланған сұғурта бадаллари сүммасининг ўсиши күзатылған бўлса, улар томонидан тұланған қолпаманинг сұғурта бадалларидаги саломғи мос равища 27,3; 32,6; 20,3; 11,3; 8,6 фоизларни ташкил эттанды аниқланған. Сұғурта ташкилотларининг келтирилган йиллар бўйича ҳисобланған даромад(фойда) солигининг миқдори мос равища 0,21; 0,65; 1,10; 1,45; 1,53; 1,62 (2004 йил бўйича прогноз) млрд. сүмни ташкил этади. Сұғурта ташкилотларининг солиқиң торғылайдыган даромадлари сүммасининг келтирилган йилларда күзатылған барқарорлиги сұғурта фаолияти ривожланиб бораётгандығы билан изоҳланади.

Мамлакатимиз солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг стратегик іұналиши солиқ ва имтиёзлар нисбатини оптималлаштиришни назарда тутади. Албатта, солиқларнинг асосий - фискал, қайта тақсимлаш ва рафбатлантириш вазифаси бажкарилишини таъминлаш солиқ тизимини бозор муносабатлари талабларига мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Сұғурта бадалларидан солиқи жорий этищда сұғурта классларига кўра унинг табақалаштирилган ставкасини кўйлаш, айни вақтда, сұғурта ташкилотининг инвестиция ва бошқа (қонунчилликда ман этилмаган) фаолиятдан олган даромадларини даромад(фойда) солигига тортиши

механизмини сақлаб қолиш зарур. Ушбу таклиф этиластас солиқ түри сүгурта фаолиятидан ундириладиган асосий солиқ бўлишини белгилаб қўйиш лозим.

Сүгурта бадаларидан солиқни жорий этиш бир томондан, давлатнинг барқарор даромад олишини таъминласа, иккинчи томондан, сүгурта ташкилоти учун солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг янги тартиби қарор топишига олиб келади, уларнинг солиқ инспекциялари билан юзага келиши мумкин бўлган ёндашувларидағи фарқ йўқолади.

Бу солиқни жорий этишда ауч келинадиган муаммолардан бири сүгурта ташкилотининг сотувдан ташқари даромадларини солиқса тортиши масаласидир. Сүгурта бадаларидан солиқни жорий этишнинг дастлабки йилларида бундай даромадлар суммаси жами даромаднинг 20 фоизидан ошмаган ҳолларда уларни солиқса тортишдан озод қилиш мақсадга мувофиқдир. Аммо бу белгиланган даражани аниқлаш маълум сарф-харажатларни талаб этади ҳамда уни фақат йил якунига кўра ҳисоблаб чиқиш мумкин. Шунингдек, бу даромадни аниқлаштириш борасида амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирларнинг кўлами ҳам кенгdir.

Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, сотувдан ташқари даромадларни одатдагидек, даромад(фойда) солигига тортиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ундирилиши таклиф этилаётган сүгурта бадаларидан солиқни:

- солиқса тортиш базасини сүгурта операциялари ҳажмига кўра ҳисоблаш;
- сүгурта бадаллари тушумини мазкур солиқда тортишнинг обьекти сифатида қараш;
- сүгурта турларига кўра солиқ ставкасини табақалаштириш каби тамойилларга асосланиб жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Сүгурта бадаларидан солиқни жорий этиш сүгурта ташкилотларини солиқса тортиш механизмини такомиллантиришга ҳаратилгандир. Бунда:

- сүгурта бадаларидан солиқнинг ставкаларини оптималлаштириш орқали сүгуртчилар манфаатини ҳисобга олиш, айни вақтда, бюджет даромадларини орттириш асосида солиқ юки тақсимотини мувофиқлаштириш;
- солиқса тортиш базасини аниқлаш ва унинг назоратини соддалаштириш;
- барча сүгуртчиларга алоқадорлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, солиқса тортишнинг адолатлиигини ошириш;
- сүгурта бозори сегментларининг ошкоралашуви кабилар таъминланади.

Бизнинг фикримизча, сүгурта ташкилоти ундирилган сүгурта бадалларининг барча суммасидан (risk трансформацияси амалга оширилганлиги ёки оширилмаганлигидан қатъий назар) белгиланган ставкаларда солиқ тўлаши лозим. Қайта сүгурталовчи ташкилот ҳам ўз навбатида қайта сүгурталашга қабул қилинган рисклар бўйича бадаллар ҳисобидан мазкур солиқни тўлаши керак. Сүгурта бадаларидан солиқни

жорий этишда унинг сабий оқибатларини бартараф этилишини таъминлаш учун бошқа катор омилларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Таклиф этилаётган соалиқ ўз иқтисодий можиятига кўра, айланмадан ундириладиган солиқнинг бир туридир. Шу нуқтаи назардан у суғурта хизматининг қийматини оширувчи омил сифатида талқин этилиши мумкин.

Статистик маълумотларга асосланиб, қайд этиш лозимки, суғуртанинг кўп турлари бўйича амалга оширилган қопламалар ундирилган бадаллар суммасига нисбатан паст фоизларни ташкил этади. Шу сабабли, тарифларни ошириши эмас, балки уларнинг таркибини ўзгартириш мантиқан тўғри бўлади.

Умумий суғурта соҳасининг турлари бўйича тарифларнинг даромадлилик кўрсаткичининг юқори эканлиги уларни оширмаслик имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Ҳаётни суғурта қилиш тармоғи турлари бўйича тўланган индивидуал суғурта бадалларининг захирада жамғарилиши жаракёнида бу солиқнинг қўлланилиши ўз можиятига кўра келгусида амалга оширилиши назарда тутилган қопламадан чегирма ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бу солиқнинг ҳаётни суғурта қилиш тармоғи бўйича қўлланиладиган ставкаси умумий суғурта тармоғидагига нисбатан паст даражада белгиланиши давлат маңбаатларига мос келади ҳамда жамиятнинг инвестиция ресурси бўлган ҳаёт суғуртаси захирасига ажратмалар камайлишига сабаб бўлмайди. Солиқша тортиши борасидаги бундай имтиёзларни узоқ муддатта тузилган суғурта шартномаларига нисбатан қўллаш тўғри бўлади.

Суғурта ижтимоий функцияни ўзида мужассам этган институционал соҳа ҳисобланади. Айниқса, ҳаётни суғурта қилиш тармоғи орқали жамланган суғурта захираларини инвестицияга жойлаштиришдан бюджет кўпроқ маңбаат кўради.

Аммо шунга қарамасдан, суғуртанинг ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, даромад(фойда) солиги ўрнига суғурта бадалларидан солиқни жорий этишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Янги соалиқ турини жорий этишда унинг максимал ва минимал ставкалари миқдорини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ҳаётни суғурта қилиш тармоғига шартнома бекор қилинган ҳолларда имтиёзлар ҳам истисно этилиши шарт.

Шундай қилиб, суғурта фаолиятини солиқша тортиш тизимини ҳамда солиқ ставкасини оптималлаштириш бу борадаги тадқиқотларни комплекс равишда олиб боришини талаб этади.

### III. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлган суғурта фаолиятини тадқиқ этиш натижалари ҳуйидаги **хулосалар** чиҳаришимизга асос бўлди:

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар даврида суғурта фаолиятининг мазмун-можияти тубдан ўзгардӣ. Бозор

инфратузилмасининг таржибий қисми бўлган сугурта фаолиятининг ўзгариши, кўлами ва йўналиши кенгайиб бораётганлиги учун стратегик аҳамиятта эга бўлган соҳа сифатида тадқиқ этиш заруратини бозор көлтириди.

2. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сугурта фаолиятининг иқтисодий-хуқуқий базасининг яратилиши унинг ривожлазиши учун объектив шарт-шароит туедиди. Шунингдек, сугурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми яратиди ва такомиллаптирилиб борилмоқда. Сугурта фаолияти равнағуда 2002 йилнинг 5 априлида қабул юлиниган Ўзбекистон Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Конуни муҳим аҳамият касб этмоқда.

3. Сугурта ташкилотларининг ташкилий-иқтисодий асосларини ўрганиш шуни кўрсатдики, давлат капитали иштирокидаги ихтисослашган сугурта ташкилотларининг ташкил этилиши сугурта фаолияти ривожида салмоқли ўринга эга бўлди. Алмо сугурта фаолиятининг янада ривожланиши учун катта имкониятлар мавжудлиги ҳамда сифатни сугурта хизматига бўлган талаб юқори бўлишига қарамасдан, бундай талаб тўлалигича ўндирилмасдан қолмоқда.

4. Мамлакатимизда сугурта фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, сугурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбиrlар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, муалчилик шаклларидан қатъи назар, сугурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад(фойда) солиги тўлашдан озод этилиши бунинг амалий далилидир.

5. Товар ишлаб чиқарувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) субъектларнинг сугурта хизматидан фойдаланишларини разбатлаштириш, яъни ихтиёрий сүнуртанинг турлари бўйича сарфланган харажатларининг маҳсулот (иш, хизмат) таниархига киритилиши уларнинг сугурта фаолиятидан фойдаланишдаги фаолигини оширишнинг омили бўлмоқда.

6. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бутунги кунда сугурта ташкилотлари томонидан бюджетта тўланиши лозим бўлган даромад(фойда) солигининг ҳисобланган суммаси сугурта бадалларининг ўсиш ҳажми ва суръатига мос келмайди. Шу нуғтаи назардан сугурта фаолиятини солиқ механизми орқали тартибга солиш муаммосини ҳал этиш янги ёндашувни талаб этмоқда.

7. Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор инфратузилмаси сугурта инфратузилмасини шаклантириши билан бир бутунликда кечадиган жараёндир. Ўзбекистонда сугурта инфратузилмасининг шаклантирилиши бирмунча ўзгача кечмоқда. Хусусан, сугурта инфратузилмасида алоҳида мустаҳил фаолият кўрсатиши лозим бўлган сугуртачи, сугурта воситачилари, аудиторлари, сугурта обьектларини баҳоловчилари ва экспертилари, хорижий амалётдагидан фарқли равишда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сугурта ташкилотларининг ўзига бириктирилган.

8. Шулар билан бир қаторда мамлакатимизда сұғурта соңасыда құйидаги ташкилий ишлар амалға оширилмаганлығы, яғни:

- сұғурта фаолиятини амалға ошириш жараёнидаги мұаммолосарни ұз әтиш билан шүгүлланувчи сұғуртасиар бирлашмаси-ассоциациясы ёки техник хизмат ташкилоттарининг ташкил этилмаганлығы, сұғуртасиар томонидан үз “маҳсулот” и тарифини аниқдаш ҳамда уларнинг міжозлар билан үзаро муносабатларини мұвофиқлаштиришда мұраккабликтар туғедирайтандырылғаны;
- мамлакатимизда ҳозирға қадар сұғурта ташкилоттарининг рейтингтің күрсаткышлари ҳам мұкабмал ишлаб чықылмаганлығы, шунингдек, сұғурта ташкилоти томонидан маркетинг-реклама тәдбірлари сүст олиб бориляёттандырылғаны, сұғурталанувчининг сұғуртасиини объектив танлаш имкониятлары чекланғаны;
- Үзбекистонда қайта сұғурталаш билан шүгүлланувчи сұғурта ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш секинлик билан кечеёттандырылғаны, сұғурта инфратузилмасининг ёрдам күрсатувчи маслахатчи фирмаларининг фаолиятлари ҳам талаб дараражасыда эмаслиги, бир томондан, міжозлар учун сұғурта ташкилотини танлаш, иккинчи томондан, сұғуртасиар учун сұғурта объектларининг дастлабки экспертизасини амалға ошириш ва қўрилиши эҳтимол бўлган зарар кўламини аниқдаш жараёнининг қўйин кечеёттандырылғаны;
- сұғурта соңаси инфратузилмасининг мухим қисми бўлган маҳсус нацир органи фаолияти йўлга қўйилмаганлығы, сұғурта тўғрисидаги илмий ахборотлар банкининг шакллантирилмаганлығи, таҳлилий мониторингнинг йўлга қўйилмаганлығи;
- сұғурта соңаси кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилмаганлығи, унинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжи қоидирилмаёттандырылғаны сұғурта фаолиятининг самарадорлигини оширишга садбий таъсир этмоқда.

Диссертация мавзусининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уни атрофлича ўрганиш натижалари мамлакатимизда сұғурта фаолиятини ривожлантириш юзасидан құйидаги **таклиф** ва **тавсияларни** ишлаб чиқишимизга асос бўлди:

1. Сұғурта ташкилоти даромадларини асосий фаолиятдан (сұғурта бадаллари ҳисобидан) ҳамда инвестиция ва бошқа фаолиятлардан олинган даромадларга гуруҳлаш мақсадга муфвиқдир. Шунда сұғурта ташкилоти томонидан күрсатилаётган асосий фаолият натижаси(фойда ёки зарар)ни аниқдаш имконияті ортади ҳамда унинг кўлами аниқ намоён бўлади.

2. Сұғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида қўрилиши эҳтимол бўлган зарар суммасини аниқлашга хизмат қўйувчи андеррэйтерлик фаолиятининг йўлга қўйилиши сұғурта қопламасини тўланиш ҳамда уни сунъий опирилишига йўл қўйилмасликни таъминчайдайdi.

3. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, асосий сұғурта фаолиятига сұғурта бадалларидан солиқни жорий әтиш ҳамда унинг ставкасини табақалаштирилган ҳолда қўйлаш лозим. Бу жараёнда йирик сұғурта компанияларининг инвестиция ва бошқа фаолиятларидан олган

даромадларини даромад(фойда) солигига төртиши, көбүнчө сүгурта ташкилотларининг бошқа фаолиятларидан ягона солиқви уйдиртиш мақсады мувофиқдир.

4. Сүгурта бадалларидан солиқ турини жорий этиши сүгурта ташкилотининг асосий фаолиятини курсатиб түрүвчи реал солиқка ўтиш ҳисобланади. Сүгурта ҳодисаси юз бериш ёки бермаслигига күра сүгурта қопламасини тұлашыннан илмий асосданғанлық (үрганилган, ҳисобланған, аниқланған) мөйөріни белгиләшіп зақыншылған зарарни сүгурта ташкилотининг захира фондидан тұлаш мақсадда мувофиқдир. Захира маблағтарининг етишимаслиги ҳолатида эса, сүгурта ташкилотида қолған даромад ҳисобидан унга ажартма мөйөріни қайта күриш зарур.

5. Мамлакатимизда сүгурта фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик йұналишларини аниқлаштырыш унинг истиқболини белгиләб беруучи омыл эканлигидан келиб чиқиб, 2004-2012 йиллар давомыда Үзбекистонда сүгурта фаолиятини ривожлантириш стратегиясина ишлаб чиқыш зарур. Уни ишлаб чиқында қуйидаги:

- сүгуртанинг мамлекат ялғы ички маҳсулотидаги салмоғини 2007 йилда 1,0-2,0; 2012 йилда 2,0-4,0 фоиз даражасыда бўлишга эрзилиш;
- мамлекатда сүгурта хизматига бўлған талабни тұла үрганиб боришишини таъминлаш орқали сүгурта соҳаларининг класслари бўйича хизматлар кўламишини янада көнгайтириши;
- сүгурта фаолиятини ривожлантириш ва уни рағбатлантирувчи шартшароитни яратиши мақсадида мөйөрий-хуқуқий базани янада тақомиллаштыриш, мазкур хизматни самарали ташкил этиши ҳамда ундан фойдаланған борасида субъектлар фаолигини ошириш каби устувор йұналишларни эътиборга олиш лозим.

6. Мамлакатимизда сүгуртани ривожлантириш борасида орттирилган тажрибага асосланыб, сүгурта фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органдарини тақомиллаштыриш ва унинг ваколатини янада аниқлаштыриш мақсадда мувофиқдир.

7. Сүгурта фаолиятини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатининг тамойилларини белгилаб олиш, шунингдек, сүгурта фаолиятини лицензиялаш ҳамда сүгурталашни амалга ошириш бўйича ягона услубий таъминотни ишлаб чиқиши, сүгуртасилярнинг молиявий ва статистик ҳисоботларининг амалиётда қўлланиб келинаётган шаклини сүгурта фаолиятининг янги классификаторига мослантириши зарур.

8. Үзбекистон Республикасида 2002 йилнинг 28 майидан амалиётта жорий этилган "Сүгурта фаолияти тұғрисида" ги Қонуининг 4-моддасида халқаро амалиёт тажрибасига асосланыб, сүгурта икки тармоққа бўлинган. Навбатдаги вазифа Үзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 52-бобида баён қилингандан сүгурта соҳаларини у билан ўзаро мувофиқлаштыришдан иборатдир.

9. Сүгурта бозори инфратузилмасини шакллантиришни давом эттириш ва уни янада ривожлантириш ҳам муҳимдир.

#### IV. ДИССЕРТАЦИЯ МАВЗУСИ ВА НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА НАШР ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Баймуратов Т.М. Проблемы и перспективы развития страхового предпринимательства в Узбекистане.//Бозор муносабатлари шароитида сугурта тизимини такомиллаштириш муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т., 2000. 17-20 бетлар.
2. Кенжабоев О., Баймуратов Т.М. Сугурта компаниялари фаолиятини такомиллаштирища инфомациялардан фойдаланиш назарияси ва амалиёти.//Бозор муносабатлари шароитида сугурта тизимини такомиллаштириш муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т., 2000. 21-23 бетлар.
3. Баймуратов Т.М. Сугурта: молиявий барқарорлик ва истиқбол.//Солиқ тўловчининг журнали. 2001. 3-сон. 36-37 бетлар.
4. Баймуратов Т.М. Сугуртавий кадирик хизмати бозори: рисклар трансфери ва трансформацияси.//Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги журнали. 2001. 3-сон. 23-24 бетлар.
5. Баймуратов Т.М. Сугурта тизимида маркетинг ва мониторинг дастурлари ишлаб чиқилиши.//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2001. 4-5-сон. 29-бет.
6. Баймуратов Т.М. Проблемы и перспективы страхового бизнеса - как объекта налогообложения.//Ж. Достижения науки и техники АПК. - М., 2001. № 8. с. 33-34.
7. Баймуратов Т.М. Бухгалтерский учет и налогообложение операций по страхованию.//Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счёtlар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Т., 2002. 58-бет.
8. Баймуратов Т.М., Хамидов А.Э. Налогообложение операций по страхованию в условиях либерализации экономики.//Ж. МГОУ-XXI-НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ. - М., 2002. № 5/6. с. 36-38.
9. Абдуллаев Ё., Баймуратов Т.М. Сугурта фаолиятини солиқса тортишда дунё талаблари даражасига эришиш.//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. 3-сон. 50-51 бетлар.
10. Баймуратов Т.М., Иминюхунов А.А. Налогообложение страховой деятельности в Узбекистане: современное состояние и перспективы.//Ж. Актуальные проблемы современной науки. - М., 2003. № 4. с. 59-60.
11. Баймуратов Т.М. и др. Налоговой механизм регулирования страховой деятельности в Узбекистане.//Тезисы докладов. Шестнадцатые международные плехановские чтения. (26 апреля 2003 г.) - М.: Изд-во РЭА, 2003. с. 368-369.
12. Баймуратов Т.М., Халимбетова Г.М. Страховой рынок - первые шаги.//Журнал налогоплательщика, 2003. № 7. с. 59.

13. Баймуратов Т.М. Суғурта фаолияти. У хорижда қай тарзда солиқұа тортилади? //Солиқ тұловчининг журнали, 2003. 8-сон. 42-44 бетлар.
14. Baumuratov T., Jumayev N. Dunyoning yirik sug'urta kompaniyaları globallashuvı. //O'zbekiston Iqtisodiy axborotnoması, 2003. 10-son. 52-bet.
15. Баймуратов Т.М. ва бошқалар. Полис - "ваъда" дегани. Суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолияти: муаммо ва истиқболлар./Солиқ тұловчининг журнали. 2003. 11-сон. 52-55 бетлар.
16. Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда сугурта фаолиятини солиқұа тортиш: муаммо ва ечимлар.//Иқтисодиётни эркінлаштириш шароитида солиқ тизими ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари. — Т., 2004. 276-279 бетлар.

Тадқиқотчи:

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Т.М.Баймуратовнинг  
08.00.07 - «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтиносолиги бўйича  
«Ўзбекистонда сугурта фаолияти ва уни солиқка тортиш механизмини  
такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг

## ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

**Калилли сўзлар:** сугурта, сугурта муносабатлари, сугурта фаолияти ва унинг субъектлари, риск, риск трансфери ва трансформацияси, сугурта фаолияти классификатори, сугуртанинг тармоқлари, сугурта тарифи, сугурта бадали, сугурта полиси, сугурта қопламаси, сугурта захираси, сугурта ташкилотининг даромад ва харажатлари, солиқлар, солиқ механизми, солиқка тортиш базаси, солиқ имтиёзлари, сугурта бадалларидан солиқ, солиқнинг самарадорлик коэффициенти, солиқ ставкалари.

**Тадқиқот обьектлари:** Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатадиган сугурта ташкилотлари.

**Ишнинг мақсади:** Мамлакатимизда сугурта фаолиятининг муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари, хусусан, уни солиқка тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методлари:** тизимли-таркибий, функционал, қиёсий, гурузлап, индукция ва дедукция, таъдил ва синтез.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** сугуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, бу фаолиятнинг ҳозирги ҳолати, уни давлат томонидан тартибга солиш механизми ўрганиб чиқилган ва такомиллаштириш омиллари кўрсатилган; рисклар трансфери ва трансформацияси жараёни тадқиқ этилган; сугурта фаолиятини солиқка тортиш муаммолари ва уларнинг ечимини ишлаб чиқиш, хусусан, мазкур фаолиятдан ундириладиган даромад(фойда) солиги ўрнига сугурта бадалларидан солиқ турини жорий этиш илмий жиҳатдан асослаб берилган; мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, ҳалқаро сугурта фаолиятининг иқтисодий-ташкилий жиҳатлари ўрганилган ҳамда такомиллашув йўналишлари аниқланган; мамлакатимизда сугурта фаолиятини самарали ташкил этиши ва стратегик ривожлантириш йўналишлари асосланган.

**Амалий аҳамияти:** сугурта фаолиятини ривожлантириш ва уни солиқка тортиш механизмини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиши даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Ўзбекистонда фаолият кўрсатадиган сугурта ташкилотлари ўз фаолиятларини такомиллаштириши ҳамда стратегик ривожланиш йўналишларини, шунингдек, алоҳида солиқлар бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш, мазкур соҳа бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш борасида кенг қўллаш учун қабул қилинган.

**Қўлланиши соҳаси:** молия, сугурта, солиқлар ва солиқка тортиш.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Т.М.Баймуратова на тему: «Страховая деятельность  
в Узбекистане и совершенствование механизма её  
налогообложения» на соискание ученой степени кандидата  
экономических наук по специальности  
08.00.07 - «Финансы, денежное обращение и кредит»

**Ключевые слова:** страхование, страховые отношения, страховая деятельность и её субъекты, риск, трансфер и трансформация риска, классификатор страховой деятельности, отрасли страхования, страховой тариф, страховой взнос, страховой полис, страховое возмещение, страховой фонд, доходы и расходы страховой организации, налоги, налоговый механизм, база налогообложения, налоговые льготы, налог на страховые взносы, коэффициент эффективности налога, ставки налога.

**Объекты исследования:** Страховые организации, осуществляющие деятельность в Республике Узбекистан.

**Цель работы:** Изучение и разработка предложений, рекомендаций по проблемам страховой деятельности, в частности, совершенствованию механизма налогообложения.

**Методы исследования:** системный, структурный, функциональный, сравнительный, группировка, индукция и дедукция, анализ и синтез.

**Полученные результаты и их новизна:** изучены социально-экономическая сущность страхования, современное его состояние и механизмы государственного регулирования данной деятельности, определены факторы, влияющие на его совершенствование; исследованы процессы трансфера и трансформации риска; определены проблемы налогообложения страховой деятельности и пути совершенствования данного механизма, в частности, даны научно обоснованные предложения по замене существующего налога на доходы(прибыль) налогом на страховые взносы; исследованы и сопоставлены экономико-организационные основы международной страховой деятельности, изучены проблемы страховой деятельности Узбекистана и разработан ряд научных предложений по их стратегическому развитию.

**Практическая значимость:** определяется применением результатов исследования в процессе страховой деятельности и совершенствования механизма её налогообложения, осуществлением научно-исследовательских работ в данном направлении и учебном процессе.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** использованы в процессе совершенствования деятельности и определения направлений стратегического развития страховых организаций Узбекистана, а также при разработке инструкций по определенным налогам, в подготовке кадров по данным направлениям и специальностям.

**Область применения:** финансы, страхование, налоги и налогообложение.

## RESUME

T.M.Baymuratov's thesis for submitting to a candidate's degree in economic science: specialty 08.00.07 - " finance, monetary circulation and the credit" subject: "Insurance activity in Uzbekistan and improvement of its taxation mechanism"

**Key words:** insurance, insurance relations, insurance activity and its subjects, transfer and transformation risks, insurance activity qualifier, insurance branches, insurance tariff, insurance premiums, insurance policy, insurance compensation, insurance fund, insurance organization incomes and expenditures, taxes, tax mechanism, taxation base, tax privileges, tax on insurance premiums, tax effectiveness coefficient, tax rate.

**Objects of research:** the insurance organizations carrying out activity in the Republic of Uzbekistan.

**Aim of the work:** Researching and working out proposals, recommendations on insurance activity problems, in particular, improvement of taxation mechanism.

**Methods of research:** systematical, structural, functional, comparative, and grouping, an induction and deduction, analysis and synthesis.

**The results achieved and their novelty:** the social and economic essence of insurance, state regulations in contemporary conditions and mechanisms were investigated, factors influencing on its improvement were determined; processes of a transfer and transformation risks were investigated; given mechanism ways and their improvement were developed on the scientifically proved offers on replacement of the existing tax to incomes (profit) with the tax to insurance payments, in particular, were given; economic-organizational bases of the international insurance activity were considered and compared, problems of insurance activity in Uzbekistan were investigated and a number of scientific offers on its strategic development were presented.

**Practical value:** is determined by implementation in the process of insurance activity strategic development definition of the insurance organizations in Uzbekistan, and also while elaboration of instructions under the certain taxes, in a professional training on the given directions and major specialties formation.

**Sphere of usage:** finance, insurance, taxes and the taxation.

Босишга рухсат этилди 24.04.2004 й. Бичими 30x42.  
Нашр ҳисоб табори 1,3 б.т. Адади 100. Буюртма № 6.

Тошкент Молия институти босмохонасида «RISO» нусха  
кўпайтириш қурilmасида чоп этилди.

700084, Тошкент шаҳри, Ҳ.Асомов кўчаси, 7-уй.